

THE ROLE OF THE UZBEK FAMILY IN SOCIETY AND PERSONAL DEVELOPMENT

Zahirov Ramiz Turdimurodovich

Director of the Kashkadarya Regional Center for Advanced Training of Employees of Citizens ' Self-government Bodies, Doctor of Philosophy (PhD)

Annotation: In the article, comments are made on the role of parents and family in the upbringing of children, stability of socio-psychological environment in the family, the role of national traditions in the upbringing of children, the functions of parents and family in the development of a child as a perfect person.

Keywords: Family, Homeland, society, child, parent, spirituality, child upbringing, family environment, traditions.

ЎЗБЕК ОИЛАСИННИГ ЖАМИЯТ ВА ШАХС КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ

Зохиров Рамиз Турдимуродович

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ФЎЎБО ходимларини малакасини ошириш ўқув курси директори, фалсафа доктори (PhD)
998-90-720-1234

РОЛЬ УЗБЕКСКОЙ СЕМЬИ В ОБЩЕСТВЕ И ИНДИВИДУАЛЬНОМ РАЗВИТИИ

Зохиров Рамиз Турдимуродович

Директор Кашкадарьинского регионального Центра повышения квалификации
сотрудников органов самоуправления граждан,
доктор философских наук (PhD)

Аннотация: Мақолада ўзбек оиласи мустаҳкам бўлса маҳалла тинч бўлиши, фарзандлар тарбиясида ота-она ва оиланинг роли, оиладаги ижтимоий-психологик муҳитнинг барқарор бўлишлиги, фарзанд тарбиясида миллий урф-одатларнинг ўрни, фарзанднинг комил инсон бўлиб етишишида ота-она ва оиланинг вазифалари ҳақида мулоҳазалар юритилади.

Калит сўзлар; оила, Ватан, жамият, фарзанд, ота-она, маънавият, фарзанд тарбияси, оиладаги муҳит, урф-одатлар.

Аннотация: В статье даны комментарии о роли родителей и семьи в воспитании детей, стабильности социально-психологической среды в семье, роли национальных традиций в воспитании детей, функциях родителей и семьи в развитии ребенка как совершенной личности.

Ключевые слова; семья, Родина, общество, ребенок, родитель, духовность, воспитание ребенка, семейное окружение, традиции.

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Зеро, оила фаровонлиги - миллий фаровонлик асосидир.

Маънавият - жамиятда, оиласда, таълим-тарбия жараёнида шаклланади ва юксалиб боради. Маънавият инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, иродасини мустаҳкамлайди. Мазмунан бойиган инсон ҳеч қачон маънавий жиҳатдан қашшоқлашмайди. Агар инсон тўғри йўл топмаса, унинг фаолияти жамиятга катта зарар келтиради.

Буюк мутафаккир Бедил таъкидлаганидек, "Агар меъмор дастлабки ғиштни тўғри кўймаса, девор юлдузларга етса ҳам қийшиқ бўлиб қолаверади". Бу фикрдан қўриниб турибдики, жамият ижтимоий ҳаётидаги барча муаммолар ечими маънавий ахлоқий жиҳатдан етук кишиларнинг фидокорона ҳалол меҳнати, ҳамкорлиги, иймон-этиқоди асосида рўёбга чиқади. Соғлом баркамол инсон ҳар бир халқ, миллат, давлат келажагини нурли истиқболидир.

Бинобарин, баркамол, маънавий бой, ахлоқан пок ва жисмонан соғлом кишиларни тарбиялаб вояга етказиш илк бор оиласда амалга оширилади. Кишига бир умр ҳамроҳ бўладиган инсоний фазилатлар эзгулик, яхшилик, яратувчанлик, фидойилик, садоқат, мардлик, инсоф, раҳм-шавқат каби хислатлар дастлаб оиласда шаклланади.

Оила ёшларни ахлоқли, одобли, ростгўй, меҳнатсевар ҳалол ва самимий бўлиб вояга етишлари учун замин тайёрлайди. Оила тарбияси боланинг келажакка ким бўлиб етишишида катта роль ўйнайди. Демак, бола оиласда жамиятнинг қиёфасини қўради, бўлажак фуқарони характеристи, дунёқарashi ва ахлоқ қиёфаси шаклланади ҳамда шунга кўра камол топиб боради.

Тарбиянинг мазмуни, йўналиши, мақсади ва вазифаси кишиларнинг ижтимоий муносабатларига боғлиқ. Шу муносабатларга мувофиқ киши ҳаётида бирон-бир тарзда қарайдиган бўлади, тафаккури орқали оламни англайди ва унга ўзининг муносабатини шакллантиради, муайян ахлоқ руҳида тарбия топади. Чунки оилавий тарбия ижтимоий

тарбияга нисбатан болаларнинг руҳий оламига ҳиссиёти ва туйғуларига чукур таъсир кўрсатади.

Оиладаги маънавий-руҳий муҳит бола тарбияси учун ғоят муҳимdir. Оила азоларининг турмуш тарзи кўп ҳолларда фарзандларнинг руҳий қайфияти, тасаввuri ва ҳиссиётларни белгилаб беради. Демак, оила соғлом баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказишда жамият олдида масъулдир. Оилада тарбия топган ҳар бир инсон ҳар жиҳатдан умуминсоний ахлоқий илми, эътиқоди ва бошқа соҳаларда юксак камолотга етган хислатларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим. Камолот сари интилган киши аста-секин оламни, ўзлигини таний бошлайди. Комиллик – бу инсоннинг адолатли бўлиши, ҳақиқат ва яхшиликка интилувчи, вижданан пок, ўз гуноҳларини англаб, улардан холос бўлишга ҳаракат қилиш демакdir.

Оила қайси миллат билан боғлиқ бўлса шу миллатга тегишли бўлган этнопсихологик томонларни ўзига мужассамлаштиради. Оилага тегишли бўлган шу миллат урф-одатларини, удумларини, анъаналарини бажаради ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда мана шу миллий томонлардан фойдаланади. Миллий урф-одатлар, анъаналар орқали эса шу миллатга тегишли бўлган этнопсихологик томонлар таркиб топади ва ривожланади. Шунга кўра, ўзбек оиласининг дунёдаги бошқа оилаларга ўхшаш томонлари билан бирга унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд. Ўзбек халқининг ҳаётида мавжуд бўлган тартиб ва қоидалар халқ анъаналари ҳамда ислом дини ва шариат асосида юзга келади.

Ўзбекларнинг мана шундай фазилатларидан яна бири оила парварлигидадир. Бу фазилат биринчи навбатда жуфт бўлиб яшашнинг оила никоҳдан бошқа шаклини тан олмаслигидан ифодаланади. Шунингдек, барча даврда оилани сақлаб қолишга, унинг тўлиқлигини таъминлашга ҳаракат қилинган. Абдурауф Фитрат “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асарида оилага “Оила – эр хотин ва фарзандлардан иборат. Яъни, оила бир шахс бошчилигida бир уйда яшовчилардир” деб, таъриф берган.

Хозирги кунда оилалар тўлиқ оила ва нотўлиқ оилаларга ажратилади. Тўлиқ оила деганда, эр ва хотин ҳамда уларнинг фарзандлари билан биргаликда яшashi тушунилади. Бундай оила ўтмишда, хозирда ва келажакда ҳам намунавий оила сифатида ифодаланиб қолади. Тўлиқ оилада эр хотин ўз табиий-биологик тарбиявий қон-қариндошлиқ, маҳаллавий муносабатларни амалга ошириш учун имконият мавжуд бўлади, унда соғлом оила, соғлом муҳит, соғлом фарзандлар мужассамлашади.

Нотўлиқ оилада эса ёлғиз оила она ёки ажрашилган эр ва хотинларнинг олдинги турмушидаги фарзандлари билан иккинчи никоҳга киришуви натижасида ҳаёт мезонидан четлашади. Бундай оилаларга соғлом муҳит яратиш анча мураккаб бўлади. Бундай оилаларда фарзандларни тарбиялаш, вояга етказиш, уларни уйли-жойли қилиш

жараёнлари мураккаб кечади. Буларнинг ҳаммаси оилавий муносабатларнинг қай ҳолатда шаклланишига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, ҳар бир инсон у катта ёки кичик бўлмасин, оила бағрида яшashi энг улуғ фазилат, фарзандпарварлик, серфарзандлик ҳисобланади. Қадимдан серфарзанд ота-онани ҳалқимиз эъзозлаган, уларнинг хонадонлари ҳам файзли, кўркам, нуфузли ва намунали ҳисобланган.

Ўзбек оилаларига хос яна бир фазилат маҳалла фикри билан ҳисоблашиб -яаш. Ҳозирга кунда 10 000 га яқин маҳаллаларда яшаётган 8 200 000 ортиқ оилаларнинг қандай ҳатти-харакати бўлмасин маҳалла кўз ўнгида содир бўлади. Шу маънода, жамиятдаги ўзгаришлар ҳар бир инсоннинг шаклланишига, қолаверса бутун оила турмушига кучли таъсир этадиган ижтимоий ҳодиса бўлиб қолган. Бу ҳодисалар эса, ўз навбатида, ҳар бир инсонда хилма-хил кечинмалар ва кайфиятлар уйғотади, одамнинг ўз-ўзини ва ижтимоий бурчини англашга, шахс сифатида шаклланишига ҳам ижобий таъсир қилган. Унинг турмуш тарзи, ҳаёт фаолиятини белгилашга ёрдам берган. Маҳалла билан оилани боғлаб турган мана шундан урф-одатлар ҳаётий тажрибалар, янги ҳодисаларга берилган баҳолар билан тўлдириб борилган. Ана шулар асосида у ёки бу янги оилавий тарбиялар (муносабатлар) вужудга келган ва улар асрлар давомида оилаларнинг мустаҳкамлаган, болалар тарбиясига ижобий таъсир қилган.

Психолог, социолог ва файласуф олимларимизнинг тадқиқотларида оилавий тарбия (муносабатлар)нинг камчилик ва уларни келтириб чиқарувчи сабаблари кўрсатиб ўтилган;

1. Болаларга катталар томонидан диққат эътиборнинг етишмаслиги;
2. Фарзандлар билан мулоқатда бўлиш истагининг йўқлиги;
3. Ота-оналар билан фарзандлар ўртасида самимийликка икки томонлама интилишнинг етишмаслиги;
4. Ота-оналарнинг ўғил ва қизларга нисбатан лоқайдлик билан муомалада бўлиши;
5. Оталик ва оналик меҳр-муҳаббатнинг бекарорлиги;
6. Ота-оналарнинг бекарор ҳис-туйғулари. Кайфиятларининг тасодифий ҳарактердалиги;
7. Ота-оналарнинг шахсий қизиқишлигининг ўзига мос тушмаслиги;
8. Оила муҳитида адолатсизлик, иккюзламачилик, риёкорлик, товламачилик, фирибгарлик ва пораҳўрлик иллатларининг намоён бўлиши;
9. Оила турмушида истеъмолчилик руҳиятининг ҳукмронлиги;
10. Ота-оналарнинг билим ва маданий савиясининг талаб даражасида эмаслиги;
11. Оилада миллий руҳдаги анъаналар, урф-одатларга эмас, балки маълум қолипдаги ҳатти-харакатларга риоя қилиниши оқибатида оила аъзоларининг ижтимоий

мухитдан ажралиб қолиши ва шу каби лоқайдликлар баркамоллик сари интилишга түсқинлик қилади.

Ҳақиқатдан ҳам, боланинг келажакда қандай инсон бўлиб етишиши кўп жиҳатдан ота-она ва оиласа ҳамда шу оиласа вужудга келган муҳитга боғлиқ. Инсоннинг маънавий қиёфаси, камолоти унинг ахлоқий сифатлари билан белгиланади.

Демак, Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқтоли учун курашиш камолот сари интилувчи, иймон-эътиқодли, ҳалол нияти соф кишиларнинг вазифасидир. Ёш авлодни баркамол, соғлом, Ватан жонкуяри қилиб вояга етказиш биринчи навбатда ота-онага ва оиласа боғлиқ. Оиласа бола тарбиясининг миллий ўзига хос қоидалари мавжуд бўлиб, ота-оналар улардан ўринли фойдаланишлари лозим. Оиласа маънавий руҳий хотиржамлик, ўзаро тутувлик ҳукмронлик қилса, оила аъзоларининг бир-бирига ғамхўрлиги мавжуд бўлса, бола тарбиясининг таянч нуқтасининг топа олсалар, бундай муҳит бола тарбиясига ижобий таъсир этади ва фарзандларига ҳақиқий баҳт ҳадя этадилар, бу билан ишимизда ривожланиш, жамиятимизда олфа силжиш бўлади.

Хозирги ҳамжамиятнинг глобаллашув даврида ота-оналар миллий мустақиллик мафкураси, умуминсоний қадриятлар билан узвий уйғунлашган ҳолда ишонч туйғусини, ўз фарзандлари қалби, онгига сингдириш, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалоллик, мардлик ва сабр-қаноатликни, адолат ҳис-туйғусини билим ва маърифатга интилишни тарбиялаши, касб-хунар эгаси бўлиши йўлида хизмат қилиши ҳамда бу борада улар масъул ва жавобгар эканликларини англашлари лозим.

Фойдаланилган Адабиётлар:

1. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Тошкент., 2019.
2. Шоумаров F.B. Оила психологияси. - Тошкент., 2004.
3. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва иждитмоий амалиёт. -Тошкент., 1999
4. Фарзанд тарбиясида отанинг масъулияти, вазифаси ва мажбурияти: муаммо ва ечим. Мақолалар туплами. Республика илмий-амалий анжумани. - Тошкент., 2018